



Ishonch

Шоҳият

Бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятларимиз, бу — жамиятимизда хукм сураётган тинчлик, миллатларо дўстлик ва ҳам-жихатликдир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федератсияси нашри

Газета 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган

● Конференция

ЎЗКУФК Ўқув марказида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси томонидан умумий қиймати 1,5 млрд. сўмдан зиёд лойиҳалар амалга оширилади. Лойиҳалар фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ижтимоий дастурларини бажариш учун қўмаклашишга, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа аҳамиятга молик масалаларда улар иштирокини фавқушаришга, шунингдек, демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида ННТ ҳамда давлат органларининг самарали ҳамкорлигини таъминлашга қаратилди.

Биз ҳам бир ёндан

Унда ассоциация раҳбари Нозим Ҳабибуллаевнинг (2005 — 2010 йй.) ҳисоботи тингланди.

Маърузада таъкидланишича, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси томонидан умумий қиймати 1,5 млрд. сўмдан зиёд лойиҳалар амалга оширилади. Лойиҳалар фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ижтимоий дастурларини бажариш учун қўмаклашишга, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа аҳамиятга молик масалаларда улар иштирокини фавқушаришга, шунингдек, демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида ННТ ҳамда давлат органларининг самарали ҳамкорлигини таъминлашга қаратилди.


Бугунги кунда ассоциация БҲТ лойиҳалар Координатори, Европа Иттифоқи Комиссияси, БМТ ривожланиш лойиҳаси ва БМТ агентликлари, ЮНИСЕФ ваколатхонаси, Жаҳон Банки ва бошқа чет эл ташкилотлари билан баҳам-жихат фаолият олиб бораётган. Айни чоғда 400 га яқин ННТ ассоциация аъзоси ҳисобланади. Ассоциациянинг бошқарув органилари республика конференцияси ва ЎзННТМА Кенгашидир. Ассоциация таркибиде маҳаллий ННТлар лойиҳаларини грант асосида молиялаштириш мақсадида ташкил этилган ННТларни қўллаб-қувватлаш Фонди ҳамда 12 та ресурс маркази мавжуд.

Конференцияда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» доирасида ассоциациянинг 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган Харажат Дастури ҳамда Этика кодекси муҳокама этилди ва тасдиқланди.

Шунингдек, ташкилий масала кўрилиб, Кенгаш ва тафтиш комиссияси аъзоларининг янги таркиби сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева иштирок этди.

Шарофат НОРКУЛОВА, «Ishonch» мухбири



Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Ватанимиз муस्ताқиллигининг 20 йиллигига бағишлаб нонлар ва ширинликлар байрами бўлиб ўтди. Юртимиздаги тўқинлик ва фаровонлиқни ифода этган ушбу қизиқарли тадбир «Ўзбектуризм» Миллий компанияси қoшидаги «Интурист-Тошкент» давлат унитар корхонаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла», «Олтин мерос» жамғармалари, Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, «Тошкент-нон» нон ишлаб чиқарувчилар уюшмаси каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тўқин ва фаровон ҳаёт кўзгуси



Козим УЛМАСОВ олган сурат

● Ёзуғуннинг гапи

Ахборот соҳасининг долзарб вазифалари

Фарғонада Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Республика Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ахборот соҳасининг ислохот эhtiшнинг долзарб вазифалари» мавзусида минтақавий илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжумани Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев олиб борди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг халқро меъёр талабларига жавоб бера оладиган миллий қонунчилик базаси яратилгани ҳамда шу қонун-

ларга таянган ҳолда ҳаракат қиладиган миллий ахборот макони шакллантирилганини эътироф этишди. Шунингдек, муस्ताқил оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш йўлида катта ҳажмда ва тизимли ишларни амалга ошираётганига алоҳида урғу берилди.

Дарҳақиқат, мамлакат ривожини, ижтимоий-иқтисодий ислохотларда ошқоралиқни таъминлаш, бу борада фуқаролар, давлат ва жамоат ташкилотлари масъулиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Айнан шунга кўра ҳам ахборот олишининг ҳуқуқий меъёрлари, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари-

нинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, журналистларнинг профессионал маҳоратини ошириш, ёш кадрларга янада кўпроқ эътибор қаратиш каби тармоқ ривожига хизмат қиладиган вазифаларни амалга ошириш замон талаби ҳисобланади. Илмий-амалий конференцияда депутатлар, давлат бошқаруви органларининг раҳбар-мутахассислари, Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари оммавий ахборот воситаларининг ижо-

дий-техник ходимлари, экспертлар, ҳуқуқшунослар, фуқаролик жамияти институти вакиллари иштирок этишди.

Илмий-амалий конференция қатнашчилари вилоятдаги оммавий ахборот воситалари, жумладан, «Фарғона ҳақиқати» — «Ферганская правда» бирлашган тахририяти ҳамда бир қатор тармоқ газеталари, «Рух-ор» телерадиокомпаниясида бўлиб, уларда амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишди.

Анжуманда Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Мансуров қатнашди.

А.ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

● Уй-жой коммунал хўжалиги

Модернизациялаш — давр талаби

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида уй-жой коммунал хўжалиги (УЖКХ) муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бевосита ҳар бир фуқаронинг манфаатини ўзида ифода этади. Шу боис ҳам уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида мавжуд муаммоларни бартараф қилиш шаҳарлар иқтисодийнинг барча тизимларида кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

Маълумки, республикада 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ давлат уй-жой фондиди хусусийлаштирилиши бошланган. Ҳозирги кунда давлат уй-жой фондиди тахминан 98 фоизи хусусий мулкка айлантирилган. Қолган 2 фоизи давлат тасарруфида қолиб, асосан идоравий уй-жойларга тўғри келади.

Қайд этилган қонунга асосан, кўп қаватли уй-жойларда яшовчилар давлат хонадонини хусусийлаштиришда, уйнинг умумий фойдаланишида бўлган жойлари ҳам (зинапола, том, ертўла) мунасиб равишда уларга тегишли бўлиб қолган. Шун тарихда янги мулкдорлар зиммасига кўп қаватли уйнинг умумий мулкни сақлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ мажбурият, жавобгарлик ва молиявий юк ҳам ўтган.

Уй-жой фондиди хусусийлаштирилиши уй-жой бозори пайдо бўлишига олиб келди. Бозор муносабатларига ўтиш, бозор тузилмалари, институтларини ташкил этиш уй-жой фонди соҳасидаги ўзгаришларни амалга ошириш, хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини ташкил этиш заруратини белгилаб берди.

1999 йилнинг апрел ойида қабул қилинган «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонун кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш тизимини тубдан ўзгартирди. Яъни ушбу қонунга мувофиқ уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (УЖМШ) институти жорий қилиниши ва кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш вазифаси яншичилар томонидан шакллантирилган нодавлат нотижорат ташкилот бўлган ширкатга топширилди.

(Давоми 3-бетда)

Касаба уюшма сиҳатгоҳларида

Бугун юртимизда кишилар соғлигини мустаҳкамлаш, руҳиятига тетиклик бахш этиш ҳамда кўнгилли ҳордиқ чиқаришлариға ҳисса қўиш мақсадида кўлаб санаторийлар фаолият кўрсатапти. Бироқ улар орасида доврғи етти иқлимға овоза бўлганлари бармоқ билан санарли. Наманган вилоятида жойлашган «Чортоқ» санаторийси ана шундай сиҳатгоҳлардан биридир. 400 ўринға мўлжалланган сиҳатгоҳға 500 дан ортиқ кишининг ташриф буюргани фикримиз далилидир.

Мўъжиза улашаётган маскан

Айни кунда санаторийда дам олиш ва даволаниш учун ташриф буюрганларға намунали хизмат кўрсатиш мақсадида 322 нафар киши фаолият кўрсатмоқда. 30 хил касаллик бўйича 24 нафар малакали шифокор бўлиб, уларнинг 15 нафари оли тoифалидир. Бундан ташқари, 65 нафар ҳамшира ва 80 нафар кичик тиббиёт ходими сизининг хизматиниғида.

Беморларни даволашда аниқ ташхис қўиш жуда муҳим. Шу сабабли, даволанувчи келган кунийё шифокор кўригидан ўтади, зарур бўлса, унга турли хил текширув, клиника ва биохимик таҳлиллар буюрилади. Таъкидлаш керакки, клиника ва биохимик лабораторияда 20 дан ортиқ хилдаги таҳлиллар амалға оширилади. Текширувлар жараёнида аниқланган қўшимча касалликлар асосий касалликни даволаш билан бир вақтда

олиб бoрилади. Санаторий-курортларда комплекс даволаш усулларини кўллаш орқали кўзланган натижаға эришиш мумкинлиги амалий тажрибаларда исботланган. «Чортоқ»да бундай даволаш санаторий режими ва иқлимидан кенг фойдаланилади. Шунингдек, энг асосий даволаш омиллари юқори минералланган йод-бромли, хлорид-натрий-кальцийли юқори харорат сувидан ванна, сульфидли шифобахш балчи, парафин-озокерит, физиотерапиянинг турли усуллари, даволаш жисмоний тарбияси, парҳез таомлар, психотерапия, доривор ўсимликлар дамламаси ҳамда шифобахш минерал сувдан ичиш, массаж муолажаларидир.

Бу ерда катъий режимға амал қилишиниғи шарт, эеро у даволанишининг асоси ҳисобланиб, бу илмий жиҳатдан ҳам ўз тасдиғини топан. Уйқу

ва бедорлиқни, овқатланиш ва даволаниш муолажаларини вақтида қабул қилишдан ташқари, маданият ва оммавий тадбирларда иштирок этсангизгина, бу режим сиэини соғайиш сари етаклайди. — Кардиология бўлими Беморлари учун физиотерапия муолажалари ўтказиладиган хоналар ва ошхона қурилишини мустақиллиғиниғи 20 йиллик тўйиғиға тугатилиши режалаштирганмиэ, — дейди «Чортоқ» санаторийси ОАЖ бошқаруви раиси Шамсиддин Абдуназаров. — Ана шунда даволаувчилар бинодан ташқариға чиқмай муолажа олиш ва овқатланиш имкониятиға эға бўлишади.

Дарҳақиқат, биринчи ва иккинчи бинони боғлаб турувчи мазкур муассаса ишға тушса, Беморларни қабул қилиш қиш мавсумида ҳам ортади.

(Давоми 2-бетда)

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий

● тадбиркорлик йили ●

Адҳам устанинг нақшу ниғорлари

Қадимда маҳобатли бино қурилиши билан банд бўлган уч устани саволға тутибдилар:

— Шу тоғда кўнглингиздан нималар кечаяпти? — Ҳар ҳолда устамон, шу ҳунар орқасидан рўзгор тебратишим керак-ку! — дебди биринчи уста.

— Шу ерда ишлагин дейишди, ишляпман, — дея елка қисибди иккинчи уста.

Учинчи уста эса кўзларидан ўт чақнаб шундай дебди:

— Келгуси авлодларға мерос бўлиб қоладиган бу муҳташам бино қурилишиға ҳиссам қўишайётганидан бахтиёрман. Қолаверса, бу гўзал ёдгорлик юртим ҳусниға холдек ярашуси, шуни ўйласам, қалбим гўрур ҳиссига тўлади!

Ўзбекистон халқ устаси Адҳам Ашировнинг ижодий ишларини кўздан кечиравтиб ўша ривоятни яна бир қарра эсладим. Ахир инсон бу дунёда нима учун яшайди? Уэ кун-куватини Ватан ободлиғи йўлида сарфлаш учун эмасми? Меҳнатидан ўзи завқ олиб, сўнгра ўзгаларни қувонтириб яшаш ҳам аслида улкан бахт эканлигини англаб еттувчилар орамизда жуда кўп... Устанинг бир туркум асарлари ушбу фикрларни менға қайта-қайта уқтиравтандек бўлади. Ёғочға солинган гул ва безаклар шакли бир-бирини асло такрорламайди. Бу нақшу ниғорларнинг ҳар биттасида ўзиға хослик бор, аниқроғи, улар ҳавлолнинг гўзал оламни кўз-кўзлаб тургандек. Қиррадор стол ва хонтахталар, «чамандагул» безакли сандиғу сандиқчалар, кунгурадор эшик... барининг нақшларида миллий ҳоэиба ва айна пайтда замонавийлик акс этиб турибди. Кўрганинг сайин кўзинг яшнайди, кўнглинг яйрайди, руҳиятинг ором олади...

Ўйлайман, ёғочға гул солиш санъати аслида биз учун янгилик эмас. Ўтмиш усталари бу ҳунарнинг чинакам намуналарини яратиб қолдиришган. Лекин ҳозирги ўймакор усталар ёғочға нақш солиш санъатини янада мукамаллаштириш, қадимги усталар тажрибасига таянган ҳолда ўзғача шакл ва сайқал бериш, ҳоэибасини оширишға ҳаракат қилмоқдалар. Адҳам уста Ашировнинг ижодий ишлари худди шу нарсани ўзида мужжасам этган.

(Давоми 4-бетда)

Мўъжиза улашаётган маскан



Давоми. Боши 1-бетда

— Беморларни комплекс даволашда парҳез таомларга алоҳида эътибор берилми, — дейди ҳамшира Феруза Шаббаева. — Чунки у организмнинг оксил, ёғ, углевод, кимёвий элементлар ва витаминларга бўлган физиологик талабини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Таомлар касалликнинг турига қараб тайёрлашни зарур. Масалан, ошқозон шираси кам бўлган сурункали гастрит, колит ва энтероолити борлар учун овқатлар майдаланган ҳолда қайнатиб ёки сал қовуриб тайёрланса, жигар ўт пуфаги ва ўт йўли ҳамда ошқозон ости беши касаллиги билан оғриган беморларга таркибиде ёғлар кам, углеводлар эса кўп бўлган, асосан сут ва ўсимлик маҳсулотларидан қилинган таомлар берилди. Шунингдек, ўтши жонизки, санаторийимизда овқатларни беморлар берган буюртма асосида тайёрлаш кенг йўлга қўйилган.

Сихаттоҳга борган киши, шунингдек, шифокор тавсиясига қўра, ҳар доим овқатланишдан маълум муддат олдин шифобахш мадданли сувдан ичиши шарт. Бу сув, биринчи навбатда, овқат ҳазм қилиш органларининг шира ажратиш, ҳаракатланиш ва сўрилиш функциясига таъсир этиб, ижобий силжисларни вуҳудга келтиради. Шу билан бирга, ионлар таркибига, микроблар хилига, овқат ҳазм қилиш йўлларидаги биохимик жараёнларнинг кечилишига, оксил углеводлар, сув-туз алмашинувиға таъсир этиб, айрим ферментлар фаоллигини оширади.

Санаторийда дам олиб, даволаниш асоси республикамизнинг турли гигант корхоналарида фаолият юритаётган замондошларимиз билан яқиндан суҳбатлаш имконига ҳам эга бўлдим. Улар жойларда касаба уюшма ташкилоти томонидан ишчи-ҳодимлар соғлигини мустаҳкамлаш, мазмунли дам олишини таъминлаш, бехатар иш ўринларини яратиш, қўйингки, аъзолар манфаати учун нимаки зарур бўлса, барчаси амалга оширилаётганини мамнулик билан эътироф этишди. Шунда беҳитиёр шунча киши санаторийда бепул, шунчаси имтиёзли даволанди ҳамда аъзолар манфаатини кўзлаб бунча ишлар қилинди, деган касаба уюшма қўмитаси раисларининг маълумотномалари қанчалик мазмун-моҳиятга тўла эканлигиға яна бир қарра амин бўлдим.

Жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари ҳамда санаторий ва ундаги шарт-шароитлар ҳақидаги илиқ фикрларни Навоий тоғ-металлургия комбинати ишчиси Суннатқул Булекбаев, «Кварц» очиқ акци-

ядорлик жамияти ходими Ашуралӣ Камчиев сингари кўплаб даволанувчилардан эшитдим.

— Касбим тақозосига қўра, бу ерга келиб биринчи қилган ишим Маданият саройи фаолияти билан яқиндан танишиш бўлди, — дейди Тошкент давлат иқтисодий университетининг директор-ресурс маркази директори ўринбосари

Эътибор Назарова. — 500 ўринга мўлжалланган мазкур муассаса замон талаблари даражасида жиҳозлангани билан ҳайратингизни оширади. Шахмат-шашка ва бошқа спорт турлари билан шуғулланиш учун етарлича шароит яратилган. Ишчи-ҳодим ва дам олувчилар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётган кутубхона фондидеги 3000 га яқин бадиий адабиётлар орасида санаторийға таширф буюрган ижодкорларнинг дастхатлари битилган китоблар учун алоҳида бурчак ташкил этилган. Энг қувонарлиси, водийнинг



тарихий обидалари билан яқиндан танишишға ҳам улғурдик.

— Салкам 40 йилдан бери санаторийға келаман, — дейди хоразмлик отахон Раимберган Қўзиев. — Оёғим оғриб, ҳассага суяниб, яқинларим кўмагида базўр келганимни эсласам, ҳозир ҳам этим жунжики кетади. Сихаттоҳнинг малакали шифокорлари тавсияси, шифобахш йод-бромли суви, балчиғи ва бошқа муолажалари мени оёққа турғазди.

— Мен ҳам келган вақтим юришға қийналардим, — давом этиради Навоий «Қизилқумцемент» ОАЖ инженер-технология Эркин Абдуазизов. — Соғлигим ёмонлашганидан сўнг касаба уюшма қўмитаси раиси Валерий Фоқеев бу ернинг фойдали ва шифобахш хусусиятла-

ри ҳақида гапириб, Чортоққа йўлланма берди. Мана шу қувончли воқеаға ҳам саккиз йил бўлибди...

Салкам 40 гектар майдондан иборат сихаттоҳ хуудини завқланмай томоша қилишининг сира илоҳи йўқ. 4 гектардаги турли қишлоқ хўжалик экинлари, иссиқхонадаги помидор, бодринг ва турли кўкатлар дам олувчилар учун етиштирилишини кўриб, йилнинг тўрт фаслида ҳам дастурхондан ёз нэматлари неға ари-маслиғиға хайратланмай қўясиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг юртимизни боғ-роғларға буркаш ҳақидаги хайрли ташаббусиға қўра амалга оширилган ишлар алоҳида таҳсинға лойиқ. 1,5 гектар майдонға олма, бодом, хурмо, беҳи, ёнғоқ каби мевали ҳамда арча, сосна, мажнунтол, мажнунтут сингари манзарали дарахтлар экилган. Бундан ташқари, 2000 туپ атиргул, 5000 туپ бир йиллик турли гул кўчатлари баҳри-дилигини очиб, кўтаринки кайфият бағишлайди.

Наманган азалдан гуллар шахри сифатида шуҳрат қозонган. Санаторий атрофидаги хонадонларда дид билан парваришланган бир-биридан чиرويли гулларни кўриб, бунга ишонч ҳосил қилади киши.

Даволанишға келганларни эски кадрдонлардек илиқ қарши олаётган шифокорлар Зухриддин Қирғизов, Исмоил Давлатов, Зайнабхон Азизова, ҳамширалар «Дўстлик» ордени соҳибаси (2000 йил) Санобархон Баҳодирова, Зарина Аблоқимова, Рислиғой Маллабоева, Мамлакат Султонова, Соҳиба Мирғиёсова, лаборант Илхом Каюмов, кичик тиббиёт ходимлари Ханифа Хайдарова, Нилуфар Солиқова, Рафо Эргашева сингари кўплаб касб фидойилари номини ҳурмат билан таъкидлашни истардим.

Дарҳақиқат, инсон неча ёшда бўлишдан қатъи назар ўз қадри ва шаъни улғуланган масканға талпинди. Очик чеҳра ва хушмуомалалик билан кутиб олинган жойдагина кўнглинги ором олади. Муолажа жараёнидаги мулоқотларнинг гувоҳи бўларкансиз, бу ерга таширф буюрганнинг ва Чортоқ ҳақида эшитганларингиз қанчалик тўғри эканлигиға ишонч ҳосил қиласиз.

Гулларни қучоқлаб бўлмайдми асло, Ундан баҳра олиш кифоя экан. Шунга ҳам қаноат қилмасанг борми, Бағрингни қонгалаш айлалди тикан...

Бу ерга келгандим мен шифо истаб, Оғриқинг зўридан қўзим ёшладим. Чидолмай келганим асли нодонлик, Дардларнинг буюғи энди бошланди.

Гарчи унутгандим оловли ҳисни, Яна пайдо бўлди севиғи излари. Бутун юрагини маҳв этди тамом... Водийнинг шаҳло қўз, зебо қизлари.

Сизнинг кўнглингиға йўл топши қийин, Мендек бир тўпори, содда одамға. Бўлди, энди бошқа қирмангиз қайтиб, Юрак деб аталмиш мажруҳ хонамға.

Қўлга кетман олиб, кетай далаға, Қерақман ҳали мен ерларим учун. Фақат, сизни севиб юрсам майлими, Янги ёзилажак шеърларим учун.

Шерзод АБДУСАМАДОВ, «Ishonch» мухбири



Абдуносир КҲЧҚОРОВ олган суратлар

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Эндигина университетни тугатиб, таҳририятда иш бошлаганимда таниқли шоир ва журналист, меҳрибон устоз Муҳаммадҷон Қўшоқов: «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомға йўрғалайди. Шу боисдан ҳам кекса журналистлардан иш тажрибасини ўрганиб қолинглар. Бунда гап кўп, — дея биз ёшларға қайта-қайта таъкидлардилар. Кейинчалик ўйлаб кўрсам, «Устоз-шогирд» аънасини давом эттириш ҳар бир соҳанинг келажакни белгилайдиган муҳим востита экан. Юртбошимиз 2011 йил 21 январ куни Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасида кўрилайтган барча тadbирларға қарамасдан, касб-ҳунар коллежлари айни кунда энг заиф бўлин бўлиб қолаётганини, ушбу долзарб муаммони ҳал этишға алоҳида эътибор қаратиш муҳимлигини ўқитиб ўтди. Бу эса, авваламбор, ҳар бир коллеж ўқувчисини билим олаётган йўналиши бўйича корхонаға бириктириб қўйиш, яъни «Устоз-шогирд» аънасини қарор топтириш деганидир. Бу борада амалга оширилайтган ишлар ҳақида мухбиримиз Тошкент вилоят ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Қамбар ПИСКЕНТБОВЕВ билан суҳбатлашди.

«Устоз-шогирд» аънаси тараққиётға хизмат қилади

— Айни вақтда вилояти-мизда 126 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Уларда 115 минг нафардан зиёд ўқувчи иқтисодиёт, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, саноат, санъат ва маданият, педагогика, тиббиёт ҳамда спорт йўналишлари бўйича таълим олишмоқда.

Мамлакатимизда 9-синф битирувчилари касб-ҳунар таълими билан тўлақонли қамраб олинишини назарда тутган ҳолда уларнинг ўқишға қабул қилинишини тартибга солиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишға жойлаштириш вазифасини ҳал этишға алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлиги бежиз эмас. Албатта, бу касаба уюшма фаоллари ҳам қатъта масъулият оқлайди.

Ушбу вазифани тўлақонли амалга ошириш учун барча касб-ҳунар коллежларидаги ўқитувчилар ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталари сифат таркиби тахлил этиб чиқилди ва ҳар бир бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси уни назорат қилмоқда. Шу асосда малакали кадрлар тайёрлаш салоҳиятиға эга педагог кадрлар билан ўқув масканларини таъминлаш бўйича тadbирлар режаси ишлаб чиқилди.

Унга асосан жорий йилда 1068 нафар педагог ҳамда муҳандис-педагогларнинг малакасини ошириш кўзда тутилган. Айни вақтда ушбу йўналиш бўйича ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

— Ёшларни етук мутахассис этиб тарбиялаш замон талаби. Бу борада қандай муаммолар мавжуд? — Камчилик йўқ эмас, албатта. Лекин уларнинг аксарияти ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ҳал этилиши зарур. Масалан, Бўстонлик туманидаги Қишлоқ хўжалиги ва тadbиркорлик касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг 150 нафари 15 километр ва ундан ортқ масофадан, яъни Чаҳчам, Ги-

лавасой қишлоқларидан қатнашади. Шу тумандаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежидан 170 нафар ўқувчи Сижжақ, Сойлик ҳамда Хондайлик қишлоқларидан ўқишға келишади. Ваҳоланки, Сижжақ қишлоғи ўқув масканидан 40-45 километр узоқликда жойлашган. Оққўрғон туманидаги Ижтимоий-иқтисодий ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежиде қурилиш ишлари охириға етказилмаган.

Яна бир муаммо. Баъзан электр қуввати таъминотидаги ўзилишлар битирувчиларнинг иситиш тизимининг бир меъна ёрда ишламаслиғиға сабаб бўлмоқда. Саноат коллежларида Металга ишлов бериш механизми, Пайвандаш жиҳозлари механизми, Транспорт воститаларини ишлаштириш ва таъмирлаш ва бошқа йўналишлардаги ўқувчилар амалиёт вақтида зарур бўлган электр ускуналари, пайвандаш электродлари билан етарли даражада таъминланмагани ҳам ишимизға одал бермоқда.

— Ўқишни битирган ёшларни иш билан таъминлаш муаммоси ҳам бор гап. Соҳада амалга оширилайтган ишларға ҳам тўхталмай ўтсангиз.

— Тошкент вилояти ҳокимлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вилоят бов бошқармаси билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётини ўтайдиган корхона ва муассасалар фаолияти қайта ўрганиб чиқилмоқда. Ҳар бир ўқувчининг қайси корхонада, унинг қайси цех ёки бўлиминда, қайси устанинг қўлида ишлаб чиқариш амалиётини ўташи аниқлаб олинди. Қисқаси, «Устоз-шогирд» аънасини йўлга қўйилди. Шу кунларда қишлоқ хўжалиги корхоналарида 2144, саноат, ишлов бериш ва қурилиш тармоқларида 12.145, таълим соҳасидаги муассасаларда 3611, хизмат кўрсатиш шохобчаларида 1567 нафар ўқувчи устозларға бириктириб қўйилган.

Уларни қатъий назоратға

олиш мақсадида шахар ва туман ҳокимликлари томонидан худуддаги корхона, ташкилотларға бириктирилган ўқувчилар рўйхати ҳамда уларға масъул этиб тайинланган раҳбарлар тасдиқлаиб, муассасаларға тақдим этилди.

Масалан, Ангрэн компютер ва ахборот технологияси касб-ҳунар коллежи ўқувчилари «Ангрэн кўмир қурилиш» корхонасида амалиёт ўташпти. Ҳар бир ўқувчиға ойиға 129 минг сўмдан ҳақ тўланмоқда. Қибрай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчилари эса «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятидаги усталарға бириктирилган. Ушбу корхона томонидан ҳам ҳар бир ўқувчиға ойиға 100 минг сўмдан пул берилляпти.

Шу билан бир қаторда вилоят Марказий банки билан ҳамкорликда коллеж битирувчиларини тadbиркорлик фаолиятиға кенг жалб этиш мақсадида тижорат банклари томонидан 951 нафар битирувчиға 2 миллиард 395 миллион сўм ажратиш режалаштирилган. Шу масала юзасидан ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон либерал-демократик партияси ва «Микрокредитбанк» ўртасида ишлаб чиқилган «Диплом билан бизнесға» лойиҳаси доира-сида худудларда ўз бизнесини ташкил қилмоқчи бўлган битирувчилар учун ўқув курслари ташкил этилляпти. Шунингдек, битирувчиларни тadbиркорликка кенг жалб этиш ҳамда амалиёт ёрдам кўрсатиш мақсадида «Ёш тadbиркор — юртға мадақдор» мавзусида икки марта семинар ўтказилди.

Ёшларни етук инсон қилиб тарбиялаш мураккаб жараён. Бунда «Устоз-шогирд» муносабати ниҳоятда қўл келади. Биз касаба уюшма фаоллари ҳам уни тўлақонли амалға ошириш учун барча имкониятларни сафарбар этамиз.

Суҳбатдош: Незмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

Конференция Кенгашли иш — кафолатли иш

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилоят вакиллиги конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Вакиллик неғизиде вилоят кенгашини ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди.

Конференция давомида фаоллар фикри ўрганилди.

Пировардида муҳокамаға қўйилган масала бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Низомиддин Шаниязов Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва

геология ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

М. АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Анжуман Тadbиркор аёллар кўпаймоқда

Қизилтепада хотин-қизларни хунармандчилик ва касаначилиқка кенг жалб қилиш ҳамда «Устоз-шогирд» аънасаларини давом эттириш мақсадида «Аёл тadbиркор бўлса, оила фаровон бўлади» мавзусида анжуман ўтказилди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган мазкур тadbирда Арабон ҚФЙ худудида жойлашган адрас ишлаб чиқариш кичик корхонаси, Вангоди маҳалласидаги «Адиз бобо» сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси, Булакработ маҳалласидаги иссиқхоналар ҳамда сервис

хизмат кўрсатиш кичик шохобчаларининг иш фаолияти ибрат ўрнида ўрганиб чиқилди. Тadbирда барча шахар ва туманлардан 80 нафардан ортқ хунарманд ва соҳа ишига иштиёқманд хотин-қизлар иштирок этди.

У. ХУДОЙКУЛОВ

Акс-садо

Қашқадарё вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмаси матбуот ва ахборот сектори бошлиғи Б.Эшқувватовнинг ушбу сарлавҳали мақоласи «Қашқадарё ХЭТК» ОАЖ ва Муборак туман электр таъминоти корхонаси масъул ходимлари томонидан батафсил ўрганиб чиқилди.

«Ҳисобланаётган қарздорликлар асослими?»


«Ishonch» газетаси, 2011 йил 14 май, 60-сон

Аниқланишича, мақолада кўрсатиб ўтилган Муборак тумани Хитой қишлоғида истиқомат қилувчи Ш.Бозоровға тегишли хонадон икити бўлиб, бири Муборак тумани Хитой қишлоғида, иккинчиси Муборак шахар 2-митти туманда жойлашган.

Ш.Бозоровнинг Муборак тумани Хитой қишлоғида жойлашган хонадониде фойдаланиб келинаётган завод рақами ЕХ 07138875370 бўлган, DDS-

28 русумидаги электрон ҳисоблагич кўрсаткичи 2957 кВт. соати ташкил этиб, истеъмол қилинган электр энергияси учун 2138 кВт. соат ёки 178736 сўм қарздорлиги мавжудлиги, шунингдек, Муборак шахар 2-митти туманида жойлашган хонадониде завод рақами ЕХ 007082 бўлган, DDS-28 русумидаги электрон ҳисоблагич кўрсаткичи 1746 кВт. соати ташкил этиб, истеъмол қилинган электр энергияси учун 380 кВт.

соат ёки 31768 сўм қарздорлиги, жами иккала хонадонини учун 210504 сўмлик қарздорлиги мавжудлиги «Қашқадарё ХЭТК» ОАЖ раҳбарияти томонидан 2011 йил 25 май кунини тақдим этилган 07/2257-сонли хатиде кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-ф-сонли фармойиши ҳамда табиий газ ва электр энергияси учун истеъмолчиларнинг де-



биторлик қарзларини хатловдан ўтказиш бўйича Республика комиссияси мажлисининг 2011 йил 18 майдаги 1-сонли баёнида белгиланган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида компания томонидан 2011 йил 20 май кунини 148-сонли буйруқ чиқарилди. Ушбу буйруққа асосан, республиканинг барча худудларида 2011 йилнинг 1 июнидан бошлаб электр энергияси учун истеъмолчиларнинг дебиторлик қарзларини хатловдан ўтказиш ишлари олиб борилди.

Ш. ХОДЖАЕВ, «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси «Энергосотчи» филиали директор ўринбосари

Модернизациялаш — давр талаби



(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз 2007 йил 13 февралда Вазирлар Маҳкамасининг республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига бағишлаб ўтказилган йилги маълумотда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб берар экан, «бизнинг доимий эътиборимизни жалб қиладиган еттинчи устувор йўналиш — бу коммунал хўжалик соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ» деб таъкидлаганди.

Ўтган қисқа вақтда иқтисодийнинг барча соҳалари қатори уй-жой коммунал хўжалигида ҳам ислохотлар амалга оширилди. Юқорида таъкидланганидек, аввало уй-жой фонди хусусийлаштирилиди, таркибий ўзгаришларнинг қонуний-ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Коммунал хўжалигини бошқариш тизими

ислоҳ қилинди. Соҳадаги корхона ва ташкилотлар фаолияти эркин бозор тамойиллари асосида ташкил этилиб, истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида шартномавий муносабатлар йўлга қўйилди. Шунингдек, коммунал хизматлар соҳасида баҳони шакллантириш ва ёқилги ресурсларни иқтисод қилиш бўйича ижобий натижаларга эришилди.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да Юртбошимиз бу борада муҳим вазифаларга тўхталиб, шундай таъкидлайди: «Бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш — истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуника-

ция лойиҳалари амалга оширилишига эътибор беришдир».

Ҳақиқатан, ҳам уй-жой коммунал соҳасидаги ислохотлар бошқа инфратузилмавий соҳалардаги ислохотлардан орқанда қолаётгани кундалик ҳаётда сезилиб қолмоқда. Жумладан, уй-жой коммунал объектларини бошқаришда жиддий муаммолар юзга келганлиги ҳамда бошқарув самардорлигининг сифатсизлиги коммунал хизматлар нархининг оширишига сабаб бўлиб, тизим барқарорлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу борада уй-жой коммунал соҳаси фаолиятига оид меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, бошқарув тизимида туманлар, вилоятлар ва республика даражасида ўзаро боғлиқлик ва ҳамкорликка эришиш, янада самарали сиёсат ва институционал ўзгаришларни амалга ошириш лозим.

Қолаверса, соҳада рақобатни шакллантириш, моддий-техник базани янада мустаҳкамлаш, техник-иқтисодий инновацияларни жорий этиш орқали коммунал хизматлар сифатини ошириш борасида тўлланган тажриба муайян илмий хулосалар чиқаришга ҳам асос бўлади. Бу соҳа фаолиятининг келгусидаги такомиллигига хизмат қилиши мумкин.

Коммунал шароитда соҳа моддий активларининг асосий қисмини давлат тасарруфида сақлаб қолган ҳолда бозор иқтисодиёти механизми негизда уй-жой коммунал соҳасини самарали бошқариш тизimini ишлаб чиқиш ҳал этилиши лозим бўлган устувор вазифалардан ҳисобланади.

Тўловларни йиғишни яхшилаш мақсадида ушбу ишни ташкил этиш тизimini тубдан қўриб чиқиш даркор. Корхоналарни ушбу ишдан ҳалос этиш, махсус ташкилот — коммунал хизматлар бўйича ягона умумшаҳар ҳисоб-китоб марказини ташкил этиш лозим. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бундай марказ аҳоли билан ишлашни яхшилаш, тўловлар тушумининг даражасини ошириш ва хизматларни реализация қилиш харажатларини сезиларли равишда қисқартириш имконини беради.

Бундан ташқари, қатор ташкилий ва умумий масалаларни ҳал этиш, модернизациялаш суръатини жаддаллаштириш, тармоқ корхоналарининг фаолиятини тартибга солиш ва баҳолаш, шунингдек, республика уй-жой коммунал хўжалигини бошқариш усуллари такомиллаштириш каби тармоқ фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва камчиликларга барҳам беришнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Лазизхон ШАРАПОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
хузуридаги Давлат
ва жамият
қурилиши академияси
тингловчиси

● Матбуот анжумани

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳридаги ўзгариш ва янгиланган, истиқболли режалар, аҳолига яратилган янги имкониятлар, давом этаётган ободонлаштириш ишлари хусусида Ўзбекистон Миллий матбуот марказида шаҳар ҳокимлиги иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Кенг кўламли ўзгаришлар

Айтиб ўтиш керакки, истиқлол йилларида юртимиз, хусусан, пойтахтимизда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу ишлар кенг кўламли давом эттирилмоқда.

— Мисол учун кутлуг байрамга тўғна сифатида Алишер Навоий номидаги замонавий Миллий кутубхона, Халқаро симпозиумлар уйи битиш арафасида. Навоий кўчасини қаранг! Яқин-яқингача Самарқанд дарвозадаги кўчанинг торлигидан ҳайдовчи-ю йўловчи азият чекарди. Ҳозир ҳатто трамвай қатнови ҳам йўлга қўйилди. Бундай мисолларни кўлаб келтириш мумкин.

Ҳокимлик хузуридаги топонимия комиссияси масъул котиби Эргаш Исмаилов айрим туман, даҳа ва кўчалар ўз тарихий номлари билан аталаётгани ҳақида сўзларкан, жумладан, шундай деди:

— Шу ўринда маълумот учун бир мисолни келтириб ўтиш ўринли деб биламан. 1893 йили Тошкент шаҳар думаси қарори билан расман 17 та кўчага ном берилган. Истиқлолга бу кўрсаткич 2500 атрофида бўлган. Уларнинг аксарияти тарихий номлари билан аталган. Бугунги кунда пойтахтимизда 3374 та кенг, тор ва берк кўчалар бор. Ҳозирга қадар қарийб икки мингга яқин жой ва кўчага ўз тарихий номлари берилди. Бу ишларда бизнинг энг яқин кўмакчимиз аҳолининг ўзи бўлмоқда.

Савол-жавобларга бой бўлган тadbир сўнгида ҳокимлик вакиллари ОАВ билан янада яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳиятини оммага етказишда муҳим ўрин тутишини таъкидлашди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Назорат ва самара

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги «Фавқулодда вазиятларни прогноزلаш ва олдини олиш бўйича Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарориди эпидемиялар, эпизоотиялар ва эпизофитотияларнинг олдини олиш дастури олган бўлиб, унинг ижрочилари этиб Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари белгиланган. Яқинда Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бўлиб ўтган анжуманда ҳам айнан шу мавзуда гап борди.

Мамлакатимизда барқарор эпидемик ва эпизоотик вазиятни сақлаб туриш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан жойларда аҳоли ва чорва молларининг хавфли ва юқумли касалликларининг олдини олишга қаратилган ҳамкорликдаги профилактик чоралар тadbирлар режалари амалга оширилди келинмоқда.

Жумладан, деҳқон бозорлари худудида ветеринария-санитария экспертизасидан ўтмаган чорвачилик ва бошқа маҳсулотларнинг сотилишига йўл қўймаслик чоралари қўйилди. Шунингдек, давлат чегарасини кесиб ўтиш жойларида фаолият юритаётган санита-

рия-назорат ва ветеринария карантин пунктларининг ҳолатини ўрганиб чиқиш, уларга ус-лубий ёрдам кўрсатиш ҳамда қилиб борилаётган тadbирлар назоратга олинди. Бундан ташқари, дунё, хусусан, Марказий Осиё давлатларида ўта хавфли юқумли касалликларнинг тарқалиш ҳолати кузати-либ, таҳлил қилиб боришмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги қoшида ташкил этилган Эпидемияга қарши штаб билан маълумот алмашинуви жорий этилган бўлиб, уларнинг худудий бўлинмалари таркибига ҳам Фавқулодда вазиятлар бошқармалари ходимлари киритилган.

Худудий бўлинмалар масъул хизматлар билан ҳамкорлик-

да ёз мавсумида вабо, ўткир карантин пунктларининг касалликлари билан гуруҳли касалланиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида профилактик ишлар олиб боришмоқда.

Давлат санитария-эпидемиология назорат марказларининг мутахассислари билан ҳамкорликда шаҳар ва туманларда мавжуд барча сув тозалаш ва тақсимлаш иншоотларида тоза ичимлик сувини тайёрлаш ва узатиш технологияларига қатъий риоя этилиши ҳам назоратга олинган.

Ўта хавфли юқумли касалликлардан муҳофазаланиш бўйича аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Тамойилга содиқ қолиб

Аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, ногиронларга давлат томонидан белгиланган имтиёз ва кафолатларга қўшимча тарзда ижтимоий ёрдам чораларини кўрсатиш, бу борада идора ва ташкилотлар, кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда, молия маблағларини аниқ бир йўналишга қаратиш йўлга қўйилди.

Қонунчиликка асосан ногиронларнинг алоҳида тоифаларига амбулатор шароитда даволанганда бепул дори-дармон олиш, стационар шароитда даволанганда озик-овқат тўловидан озод қилиш, шаҳар жамоат транспортда бепул юриш, электр энергияси ва коммунал хизмати тўловлари учун товон пулларини олиш, солиқ тўловлари ва бошқа масалаларда ҳам имтиёзлар яратиб берилган. Шунингдек, сифатли протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминлаш учун замонавий технологиялар асосида маҳаллий хомашёлардан маҳсулотлар ишлаб чиқариш махсус дастур асосида амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунда «Ортопедия реабилитацияси» илмий ишлаб чиқариш корхонаси ва унинг жойларда 12 та филиали фаолият кўрсатаётир.

Кейинги йилларда ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, ҳасса, қўлтиқ-таёқлар

билан таъминлаш анча яхшиланди. Бунда ногиронлик аравачаларини ишлаб чиқарувчи «INKAB» корхонаси фаолияти таҳсинга лойиқ. Йил якунига қадар ногиронлар ушбу маҳсулотлар билан тўлиқ таъминлаш қўзда тутилган.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида ҳозир бўлган ОАВ вакиллари атрофида маълумот берилди.

Жорий йилда Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Саховат ва Муруват уйларига, Қўрғонтепа Болалар муруват уйига ҳамда Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказига 1 тадан автомашина ажратилди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Дилором АЛЛАКУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Ҳамкорлик

Ўзбекистон етакчи Халқаро молия институтларининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида Осиё Тараққий Банк, Ислам Тараққий Банк, Жаҳон банки сингари кўлаб нуфузли ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилади. Бундай институтлар маблағлари ҳисобидан бугунги кунда мамлакатимизнинг транзит имкониятларини кенгайтириш, автомобиль ва темир йўллар реконструкцияси, энергетика секторини модернизациялаш, социал ва коммунал хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда Иқтисодиёт вазирлиги мутахассислари Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг ҳозирги аҳоли, келажакдаги режа ва лойиҳалар тўғрисида қизиқарли маълумотларни келтириб ўтишди.

— Мамлакатимиз ОТБ, ИТБ, ЖБга аъзо бўлгандан бери ушбу ташкилотлар билан турли йўналишлардаги 198 та лойиҳа ишлаб чиқилган, — деди Иқтисодиёт вазирлиги Бош бошқарма бошлиғи Дилшод Азимов. — Шундан қиймати 1,45 млрд. АҚШ доллари миқдоридagi 153 та лойиҳа амалга оши-

рилди. Айни вақтда эса 2,4 млрд. долларлик 45 та лойиҳа юзасидан иш олиб боришмоқда. Мисол учун ОТБ, ЖБ ҳамда ИТБ кредит-лининг ҳозирги аҳоли, келажакдаги режа ва лойиҳалар тўғрисида қизиқарли маълумотларни келтириб ўтишди.

2011 йилда Халқаро молия институтлари ҳайрихоҳлигида Талимаржон ва Тошкент ТЭСларида буғ-газли ускуналарни қуриш, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизimini такомиллаштириш, умумтаълим мактабларини информатизациялаш, қишлоқда уй-жой қурилишини кенгайтиришга 500 млн. доллар имтиёзли маблағ ажратиш режалаштирилган. Шундан 200 млн. долларини жорий йилда жалб қилиш қўзда тутилмоқда.

Улғбек ИБНОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Экология ва биз

Ўзига хос ёндашув

Профессор Дилором Ёрматованинг «Экология» дарслиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган таълим дастури режасига асосан ёзилган бўлиб, унда экологияга кириш, экология тарихи, экология тизимлари, популяциялар, тупроқ, сув, атмосфера, саноят экологияси ҳақида маълумотлар келтирилади. Дарслиқда тупроқдаги захарли моддалар, пестицидлар, уларнинг тарқалиш сабаблари, сақланиш муддатлари, Орол денгизи инқирози, Тожикистондаги алюминий заводининг атроф-муҳитга зарарли таъсири ва ҳоказолар атрофида таҳлил этилган.

Шунингдек, иқлим ўзгариб бориши натижасида Марказий Осиё республикалари, жумладан, Ўзбекистондаги ўтган 100 йил ва ундан кейинги ҳолат (1900-2011 йиллар мисолида) ҳақида қизиқарли маълумотлар бор.

Дарслиқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда амалий машғулотлар алоҳида бўлиб келтирилган бўлиб, шу вақтгача ёзилган бирорта дарслик ёки ўқув қўлланмасида амалий машғулотлар ишланмаси берилмаган эди.

Кейинги бўлимда тупроқ, ҳаво атмосфераси, ичимлик сувлар зарарланиши, муҳофаза қилиш усуллари ҳақида тўлиқ маълумот мавжуд. У олдин тилда ёзилган, бакалаврият таълимининг барча йўналишлари учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг грифини олган.

Қишлоқ хўжалигида турли хил кимёвий ўғитлардан фойдаланиш оқибатида тупроқнинг унумдорлиги бузилмоқда. Бунга иқлимнинг ўзгариши ҳам сезиларли таъсир ўтказаяпти. Боз устига курғоқчилик масаласи долзарб бўлиб турибди. Демак, унинг олдини олиш учун сувсизликка чидамли ўсимликларни экиш қишлоқ жойларда микроклиматни нисбатан яхшилаш чораларидан ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу дарслиқда қўриқхона ва табият масалалари ҳам алоҳида ўрин тутди. Ҳар бир қўриқхона ўзига хос табияти, ўсимликлари, ҳайвонлари билан диққатни жалб қилади. Келгусида қўриқхоналарда қандай ишлар олиб бориш керак? Шаҳар экологияси ҳозирги кунда ўзининг техноген ривожланиши туфайли аҳоли саломатлигига путур етказмоқда. Муаллиф ана шулар ва уларнинг очми хусусида ҳам сўз юритади.

Китоб соҳага оид бугунгача чоп этилган дарсликлар ичида ёзилиш услуби, давлат таълим стандартлари талабларига, ўқув режасига мос келиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Унинг яратилиши экология фанида катта ютуқдир.

Т. РАҲИМОВА,
ЎЗМУ «Экология»
кафедраси профессори

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили



Қулайлик

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили тadbиркорлик фаолиятининг янада ривожланишига, юртимизда мулкдорлар синфининг кенг қулоч ёзишига катта имкон яратди.

Албатта, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили давлат ҳокимияти, бошқарув ва назорат органлари билан бир қаторда тadbиркорларга қўмақлашувчи бошқа ташкилотлар зиммасига ҳам ниҳоятда катта масъулият юклайди.

— Банкимиз мутахассислари томонидан жорий йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган, — дейди «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиали кредит бўлими бошлиғи Дилмурод Исхаков. — Унга кўра, тadbиркорлик ишини бошловчиларнинг дастлабки сармоясини шакллантириш, оилавий тadbиркорлик, аёл тadbиркорлар ҳамда бошқа фаолият кўрсатаётган субъектларнинг ўз бизнесларини ривожлантириши учун етарли миқдорда кредит маблағи ажратиш режаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўтган беш ойда белгиланган режага кўра сервис соҳасини ривожлантиришга 1.683,7 миллион сўм ажратилди. Бошланғич сармояни шакллантириш 312,5,

оилавий тadbиркорлик 546,3, аёл тadbиркорларга кредит ажратиш режаси 238,9 фоизга уудаланди. Йил якунига қадар бу кўрсаткичнин янада ошириш қўзда тутилган.

Бундан ташқари, тadbиркорларнинг ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш мақсадида банк қoшида «Тadbиркорлар хонаси» ишга туширилди. Бу ерда банкка мурожаат билан келган тadbиркорлар учун маслаҳат бериш, қонун ва қарорлар мазмун-моҳияти билан танишиш, ташкилий техникалар хизматидан фойдаланиш, интернетга улашиш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун тadbиркорлар хонасида барча шароитлар яратилган. Тadbиркорлар мазкур хона хизматидан бажонидил фойдаланишмоқда.

Банк филиали томонидан яратилаётган ушбу шароитлар бозор иқтисодиётининг кенжа соҳасини янада ривожлантиришга пухта замин ҳозирлайди.

Н. ЖҲРАБЕКОВА

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Мужрим Обид кўчаси 39-уйга тегишли, фуқаро Патхулла Турсунов номига берилган уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Шайхонтоҳур туманидаги 98-мактаб-интернат, 115, 157, 169, 316-мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларда тантанали очилиш маросимлари ўтказилди. Оромгоҳларда болалар сонига режа бўйича 4 июльда 625 нафар этиб белгиланган бўлиб, ҳар бир оромгоҳда 125 нафар бола дам олдирилади.



Фестивал Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан Сергели туман ҳокимлигининг катта тадбирлар залида «Ватан ягонадир, ватан биттадир» мавзусида илмий-амалий семинар ва дўстлик фестивали ўтказилди.

Ватан ягонадир...

Фестивалда туман ҳокими О.Содиқов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Мухаммадиев, Ўзбекистон Рус маданият маркази раҳбари Т.Моторнюк, Сергели туман «Профи Анвар Барака» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Д.Зокирова ва бошқалар сўзга чиқиб, турли миллат ва элат вакиллари бир тану-жон бўлиб юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида амалга ошираётган ишлар тўғрисида тўлқинли гапирдилар.

Рус, корейс, турк, озарбайжон, татар-бошқирд, уйгур миллий маданият марказлари томонидан тайёрланган бадиий дастур ва фольклор дасталарининг чиқиши ва миллий кийимлар, уй-рўзгор анжомлари, халқ маданияти буюмлари, миллий маданият бурчаклари кўргазмаси намойиши фестивалга кўрк бағишлади.

Иштирокчилар туман ҳокимлиги томонидан эсдалик совғалар ва дипломлар билан тақдирланди.

Шоира ШАМИШЕВА

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари Наманган вилояти тармок Кенгаши раиси Иброҳим Абдурахмоновга фарзанди.

ҒУЛОМЖОННИНГ бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси тармок касба уюшмаси Шаҳрисабз туман кенгаши раиси вафосидан бахорувчи Ҳамида Хушвақтовага онаси.

НОРБИБИ АЯНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Наманган вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши, шаҳар, туман бирлашган кўмиталари Косонсой тумани таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси бирлашган кўмитаси раиси Умархон Алимхонювга укаси АХМАДЖОННИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Шайхонтоҳур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, туман бирлашган касба уюшма кўмитаси ва 82-мактаб жамоаси бошланғич синф ўқитувчиси, касба уюшма кўмитаси раиси МУХАББАТ ВАҒЗОБОВНИНГ вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.



Икром ХАСАНОВ олган суратлар

169-мактабдаги «Семурғ» оромгоҳида ўтказилган тадбирда туман ҳокими ўринбосари Сурайё Пулатова, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими муdiri Сарвар Махмудов, туман бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Дилнора Улмасова ва ота-оналар иштирок этишди. Байрам тадбирига Шайхонтоҳур туман болалар ижодиёти уйи ўқувчилари ўзларининг дилтортар қўшиқлари ва дилрабо рақслари билан файз киритдилар.

(Давоми. Боши 1-бетда) — Болалигимда отам Қўмлоқ маҳалламайдан анча олисдаги хунар масканига етаклаб борардим. — дея эслади уста. — У ердаги усталарга «сизларга ёрдамлашди, ўзи ҳам хунар ўрганас бас», дер эди. Бир неча ой ўтган у-бу ишларни удалаганим «ҳақ»ини беришса, отам олмасдилар, аксинча, пулни усталарга қайтариб, «ўғлимиз хунарли бўлса, шунинг ўзи кифоя» дердилар. Отамнинг шунчалик куюниши, усталарнинг меҳрибонлиги эвазига ўймакорлик хунарини эгалладим. Ҳатто бу хунар кейинчалик ҳаётимнинг муҳим бир бўлагига айланди! Маълумки, истиқлол йилларида хунармандларга катта имкониятлар эшиги очилди. Уларнинг иш шaroитлари яхшиланди, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ҳукуматнинг махсус қарорлари чи-

олиб яхши қуриштиган экан. — Ёнғоқ, тут, терак дарахтлари ёғоч ўймакорлиги учун жуда мос, — дейди Аҳдам Аширов. — Мен асосан ёнғоқ дарахтидан фойдаланаман. Чунки бу дарахт ёғочига курт тушмайди, агар иш сифатли бажарилса, бир неча аср ўз жозибаси ва кўркини йўқотмайди. Ҳар бир санъат турининг ўз йўналиши мавжуд. Шу жиҳатдан қараганда ёғоч ўймакорлигида Қўқон, Бухоро, Хоразм, Самарқанд йўналишлари бир-бирдан фарқланади. Аҳдам Аширов Тошкент устули табиий ва содда, шу билан бирга қўқонлик ўзгача жозибига эгаллигини алоҳида таъкидлайди. Эндиликда Аҳдам Ашировнинг ҳовлиси адоғидаги муъжиза устaxonа шоғирдлар билан гавжум. Бу ерда ўймакорлик хунарини ўрганишга қати-

Аҳдам устанинг нақшу низорлари

қарилди. Усталар ўртасида кўрик-танловлар ўтказилиб, энг яхши ижодий ишлар ҳолис баҳоланди. Мустақиллик даврида турли жойларда иш юритаётган усталар алоҳида уюшмага бирлашди. Узаро фикр алмашиш ва соғлом рақобат кучайди. Бу эса ўз-ўзидан усталарни изланишга даъват этди, уларнинг иқтидорини эл-юртга намойиш этди. Шу ўринда айтиш жоизки, Аҳдам Ашировнинг бундан кўп йиллар илгари яратган «Тешай-вон» мэморий йилмаси нафақат юртимизда, балки чет мамлакатларда ҳам таҳсинга сазовор бўлди. Халқаро кўргазмаларда намойиш этилган бу асар учун Аҳдам Ашировга Ҳамза номидаги Давлат мукофоти берилди. Бугунги кунда Амалий санъат музейидан устанинг ёғоч ўймакорлигига оид бир қанча асарлари ўрин олган. Уғиллари — Миразиз, Миразим, Мирзиёв, Мирқамоллар ота изидан бориб, ёғочга гул солиш хунарини санъат даражасига етказиш учун тинмай изланишяпти, ўз устида кунт билан ишлаб, янги-янги асарлар яратишда оталарига қўмаклашмоқда. Устанинг таъкидлашча, бажарилган иш сифати аввало хом ашёнинг сифатига боғлиқ. Қачонки кесилган дарахт танаси яхши қурилса ишлаш осонлашади, уни ўйиб нақш солишда дағаллик эмас, балки майинлик кузатилади. Қадимда усталар ўймакорликда ишлатилмаган ёғочни йиллаб сувда сақлашган, кейин сувдан

ят билан киришган қўллаб ёшлар кейинчалик худди усталар каби донг чиқаришни исташди. Бунгача эса жуда кўп ишлашлари, машаққатларга дош бериш кераклигини яхши билишди. Жуда қўллаб халқаро кўргазмаларда голиб чиққан ва бугунги кунда асарлари дунёнинг кўпгина мамлакатларида тан олинаётган Аҳдам Аширов Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили имкониятларидан самарали фойдаланиб, янги-янги асарлар яратиш устида тиним билмай изланмоқда. Даромад ҳам шунга яраша бўляпти. Маҳалла аҳлига имкон қадар қўмаклашиш, кам даромадли хонадонлар ва болалар муассасаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш устанинг кун тартибидagi муҳим масалалардан бири саналади. Мамлакатимиз Президенти «Бой-бадавлат кишиларимиз қанчалик кўпайса, юртимиз ҳам шунчалик фаровонлашиб гуллаб-йшнайверади», деган эдилар. Ажойиб асарлар яратиб, жаҳонга ўзбекона шухратимизни кўз-қўлаб, шу аснода Ватанимиз ободлиги ва озодлигини мустаҳкамлашга ўз хиссасини қўшаётганлар сафидa Ўзбекистон халқ устаси Аҳдам Ашировнинг борлиги бизни жуда қувонтиради. Бу хушфел ва фидойий инсонга «Ижодингиз тобора ривож топаверсин», деймиз.

Гулҷебра ЖАМИЛОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Моҳир футболчилар мактаби

Бугун ёш футболчиларни тайёрлаш асосан болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослашган мактаб-интернатлар, футбол академиялари ва олимпия заҳиралари коллежларида амалга оширилмоқда. Ана шундай муассасалардан бири Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Халқ таълими бўлимига қарашли Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатидир.

Мактаб-интернат 1999 йилда ташкил этилган бўлиб, айни пайтда ўн ёшдан ўн беш ёшгача бўлган 260 нафар ўқувчи-спортчи футболнинг сир-асрорларини кунт билан ўрганмоқда.

— Мамлакатимиз Президентининг «2011-2013 йилларда Республикада футболни ривожлантириш ва моддий-стадионлар базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори яна бир муҳим қадам бўлди, — дейди мактаб-интернат директори Маъмуржон Саидқосимов. — Ушбу қарорга қўра, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Наманган, Бекобод, Олмалик, Тошкент шаҳарларида замонавий стадионлар барпо этилиши, бир қатор болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари қайта таъмирланиши белгиланган. Хабарингиз бори, келгуси йил қизлар ўртасидаги (20 ёшгача) жаҳон чемпионати юртимизда ўтадиган бўлди. Бу эса, Ўзбекистон спорти жадаллик билан ривожланиб бораётганининг амалдаги ифодасидир.

Едингида бўлса, бултур кузда ўсмирлар терма жамоамиз муваффақиятли иштирок этиб, жорий йил Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш имкониятига эга бўлди.

Ҳозирги кунда мактаб-интернатда 5-9 синфдан иборат 10 та синф — 5 та ўзбек ва яна шунча рус гуруҳлари мавжуд. Шунингдек, хотин-қизлар футболига ҳам катта эътибор қаратилган.

Маъмур спорт масканида 18 нафар олий маълумотли фан ўқитувчиси, 14 нафар олий маълумотли футбол мураббийлари ва 14 нафар тарбиячи келажакимиз эгаларига қаратилган.


рига сабоқ бериб келади. Булар орасида кимё фанлари номзоди Носир Мухамедов, «Шухрат» медали совриндори Олег Одилов сингари ўз касбининг фидойи заҳматлари борлиги қувонлари ҳолдир. Чунки уларнинг билим ва тажрибалари ёшларимизнинг келгуси фаолиятида ибрат мактабини ўтати, шубҳасиз.

Бир юз эллик ўринли ошхона, бир юз олтмиш ўринли талабалар турар-хойи, ўн битта ўқув хонаси, иккита тренажёр зали, 2 та 9х18 ҳажмдаги спорт зали, 2 та 9х40 ва 12х75 ҳажмдаги футбол майдони, маънавият ва маърифат хоналари тарбияланувчилар ихтиёрида. Ўқувчиларнинг соғлигини мунтазам назорат қилиш учун шифокор ва ҳамширалар астойдил меҳнат қилишаётди.


Шу ўринда маъмур мактаб-интернатга ўқувчиларни қабул қилиш шартлари ҳақида: умумтаълим мактабининг 4-синфини тугатиб, 5-синфга ўтган иқтидорли, интилиш ва истаъдодини кўрсата олувчи ёшлар танлов асосида қабул қилинади. Қабул имтиҳонлари ижодий, яъни турли жисмоний имкониятлар синовдан ўтказилади. Бу синовлар етакчи мутахассис ва қабул ҳайъати аъзолари назоратда 3 кун давом этиб, унда биринчи кун абитурентлар бўйи, оғирлиги, гавдасининг ўлчамлари сингарилар назоратдан ўтказилса, иккинчи кун югуриш, 400 метр ва 300 метрга тўпни тишмасдан белгиланган манзилга олиб бориш ҳамда техник ва тактик ҳолатлари кўздан кечирилади. Учинчи кун эса, абитурентлар гуруҳларга ажратилган ҳолда уларнинг уйин фа-

олияти текширилади. Ва ниҳоят, орада бир кун дам берилгач, барча синовлардан муваффақиятли ўтганлар давлат тест синовларига кириштилади. Шу тариқа энг юқори балл тўплашга эришган абитурентлардан 50 нафари (25 нафар ўзбек ва 25 нафар рус гуруҳларига) ўқишга қабул қилинади.

Мактабимизда бир аънава мавжуд. Ўқувчиларимиз мактабини битиргач, коллеж ва лицейларда



ўқишни давом эттиришади. Улар ўқишдан бўш вақтида мактаб-интернатимизда ҳафтасига 2-3 марҳалдан машғулотлар ўтаб бориши йўлга қўйилган. Бунинг учун барча имконият яратилган. Айни пайтда маъмур мактаб-интернати муваффақиятли тугатиб, катта футболга қадам қўйган собик ўқувчиларимиз мамлакатимизнинг турли қолаварларида тўп суришмоқда. Жолаверса, Ўзбекистон чемпионатида муваффақиятли иштирок этаётган жамоалардан ҳам тақдирлар тугашти. Жумладан, 1996 йилда тугулган 9 синфини битирган 3 нафар талабамизга Қаршининг «Насаф» клубидан тақлиф тўлиди ва улар бугун биринчи ва олий лигада тўп суришмоқда. Мактаб-интернатимиз турли муСОБАқаларда фаол қатнашиб келмоқда. Март ойида 1992, 1991, 1990, 1988-89 йилларда тугулган болалардан иборат жамоаларимиз



«Наврў» кубогига ярим финал иштирокчиси бўлди. 1992 йилда тугулган болалар жамоаси эса финалда иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Футбол мактаб-интернатида таҳсил олган ва ҳозирги вақтда ҳам таълим олаётган ўқувчилар Ўзбекистон миллий терма жамоаси, олимпия терма жамоаси, олий ва биринчи лига жамоаларида тўп суришган ва суришмоқда: Антон Девяшин терма жамоа, Денис Азизов олимпия, Бахтиёр Умаров ёшлар терма жамоаси аъзоси, Тимур Васильев, Хусан Абдуқасимов, Элбек Бақоев, Алишер Турғунов, Улғабек Тиллаев, Лочин Сейтинязов, Отабек Холдоров, Анавар Халилов сингари маҳоратли ўқувчиларимиз бугунги кунда мамлакатимиз терма жамоалари аъзолари ва мактаб-интернатимиз фахри хисобланади.

Мактаб-интернат ўқувчиларидан Хусан Хамидов «Локомотив», Баҳодир Дадамухамедов «Пахтакор», Олим Холбоев «Локомотив», Тимур Валиуллин «Локомотив», Раҳим Халилаев «ОТМК» (Олмалик), Алексий Богданов «Трактор», Раҳим Раҳмонбердиев «Металлург» (Бекобод), Суҳроб Бердиев «Локомотив» жамоаларига жалб қилинган. Шу нингдек, битирувчиларимиз Артур

Юнусов, Андрей Шлёма, Константин Свиридов ва Леонид Гридневланг болалар жамоаси эса финалда иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Собик битирувчиларимиздан Павел Захаров, Равшан Файзиев, Антон Девяшин, Маъмур Султонов, Бобир Жўраев Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини муваффақиятли тамомлаб, айни кунда ўзларига таълим берган мураббийлари сафидa ўқувчиларга футбол силарини ўргатиб келмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб қутиб олиш учун мактаб-интернатда катта таъбирарлик қўрилмоқда. Мактаб ҳолисини ободонлаштириш, гул, мева ва манзарали кўчатлар ўтказиш, бир сўз билан айтганда, ён-атрофимизни гулзорга айлантириш ишлари якунига етказилмоқда. Ўқувчиларнинг жамоат ишларидаги фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, етакчи спортчилар билан учрашувлар, «Она тилим — жону дилим», «Биз — соғлом турмуш тарафдоримиз», «Сиз кунонинг биласизми?» каби мавзуларда анжуманлар мунтазам ўтказилмоқда.

Нарзулла МАХАМОВ, «Ishonch» муҳбири

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК 2011 йил 21 июл куни аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 323-ўйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Мудоғаз вазирилик савдо бошқармаси 1-дарбей савдо бўлимига давлат корхонаси балансидаги 1990й.й.ч. д.р 10Т0611, бошланғич нархи 1 600 000 сўм бўлган «УАЗ-3741», 1991й.й.ч. д.р 10Т0612, бошланғич нархи 1 900 000 сўм бўлган «УАЗ-330311», 1985й.й.ч. д.р 10Т0616, бошланғич нархи 1 900 000 сўм бўлган «АЗ-52», Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истиклол кўчаси, 45-ўйда жойлашган «Ташкентинфо комбинат» ОАЖнинг 1993й.й.ч. д.р 01/238КАА, бошланғич нархи 8 974 085 сўм бўлган «ЗИЛ 431410», 1992й.й.ч. д.р 10АЛ820, бошланғич нархи 8 890 580 сўм бўлган «ЗИЛ 138 А», 1991й.й.ч. д.р 10АТ920, бошланғич нархи 8 201 580 сўм бўлган «ЗИЛ 431410», Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 73-А-ўйда жойлашган, «Б-нсий ва саж сажт санатини уюшмасининг 1997й.й.ч. д.р 01/0450АА, бошланғич нар-

хи 11 008 000 сўм бўлган «ДЕУ Еропан», 1996й.й.ч. д.р 01/5650ВА, бошланғич нархи 9 648 000 сўм бўлган «Оупер Салон», 1996й.й.ч. д.р 01/5330ВА, бошланғич нархи 6 710 000 сўм бўлган «Эсперо», Тошкент шаҳар, Мирзо Улғабек тумани, Е.Отохон кўчаси, 314-ўйда жойлашган Мирзо Улғабек тумани Давлат солиқ инспекциясининг 2000й.й.ч. д.р 10БС701, бошланғич нархи 11 147 779 сўм бўлган «Опель Омга» руомли автотранспорт воситалари ҳамда Тошкент шаҳар, Мирзо Улғабек тумани, Е.Отохон кўчаси, 314-ўйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Мудоғаз вазирилик савдо бошқармасининг 2-дарбей савдо давлат корхонаси балансидаги 1987й.й.ч. бошланғич нархи 1 350 000 сўм бўлган «ДТ-75» ва 1983й.й.ч. бошланғич нархи 1 700 000 сўм бўлган «МТЗ-82» руомли 2 та трактор қўйлади.

Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Бюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўқатилади. Савдоларга қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоиз миқдорда заволат пули «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУКнинг АТБ «Илҳом-банк» Шайхонтоҳур филиалидан фА 00425, СТР 204399967, 2021000004243151002 хисоб-рақамига тўланади. Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йилғирма кун муддат ичидa олдин-сотди шартномасини имзолаш, тўланган заволат миқдори солиб олиш тўғрисида шартноманинг 15 фоиздан камини ташкил этган таъдидда этиш-маётган суммани шартнома тузилуғига қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади. Маъмур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунидa сотилмаган тақдирда навабтарли ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказилмаган савдоларга қўйилади. Аукцион ўтказилмаган қўйидаги мавзудан қўшимча

маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Анар Темир шўх кўчаси, 16-А/н. Алжада телефон: 233-23-49, факс: 233-23-40, электрон пошта: P-A_DUK@mail.ru. Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига қўра, Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўмақ мулк кадарсти агентлиги ДУКнинг д.р 01/9410ВА бўлган «Нексис» — 5 500 000 сўмга; Монголиядан чиқариш ва рақобатли ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар худудий бошқармасининг д.р 10ТН282 бўлган «Нексис» — 14 600 000 сўмга; «Ўзбекистон» МК Сайёҳларга хизмат кўрсатиш ва диспетчерлаш Марказий бошқармасининг д.р 10АТ790 бўлган «АЗ-3110» — 5 500 000 сўмга; «Moddy-Telex Таълим Вазирлигининг» д.р 10АХ503 бўлган «ЗИЛ-130» — 3 950 000 сўмга; Тошкент шаҳар ҳўрмийоти автотранспорт корхонасининг д.р 10БС988 бўлган «АЗ-31029» — 1 500 000 сўмга таълифнома мавзусида қўйилган.

Advertisement for 'Insonga naf keltirish' (Beneficial to humans) featuring 'Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi', 'Bosh muharrir: Abdusoliq Abdurazzoqov', 'Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAYOVA, Davud MADAISOVA', 'Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti, Huquq va xalqaro hayot, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash, Reklama va e'lonlar', 'Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy', 'Nashr ko'rsatkichi: 133', 'Gazeta haftaning shekshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.', 'Tijorat materiallari: 2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.', 'Bosishga topshirish vaqti: 21.00, Topshirildi: 20.30, Buyurtma: 651, 19766 nusxada bosildi, 2 3 4 5'.